



Метеорологларнинг хисоб-китобларига кўра, хар лахзада Ер сатхидан 16 миллион тонна сув бугланиб осмонга кўтарилар экан. Бир йилда бу кўрсаткич 505 триллион тоннани ташкил килади. Аммо хар йили бутун Ер юзига ёгадиган жами ёмгирларнинг миқдори ҳам айнан шу ракамга тенг. Яъни табиатда сувнинг айланиши тенг ўлчовли, доимий ва катъий белгиланган нисбатларда амалга ошиб туради. Ердаги хаёт ҳам айнан шу сувнинг табиатдаги айланиши туфайли давом этиб турибди. Инсон хатто энг замонавий технологиялар ёрдамида ҳам бу айланишни хеч бўлмаса кисман, сунъий равишда вужудга келтира олмайди.

Аммо табиатдаги сувнинг бундай мувозанатда бўлиши олимлар томонидан йигирманчи асрда аниқланди. Аллох Таолонинг сўнгги самовий китоби бўлмиш Куръони Каримда эса бу ҳақда мелодий 600 йилларда хабар килинган.

«Ўша Зот осмондан (аниқ) ўлчов билан сув-ёмгир ёғдирди. Бас, Биз у (сув) билан «ўлик» шаҳар (кишлоқларни) тирилтирдик (яъни курук Ердан турли-туман гиёҳларни чиқардик). Сизлар ҳам (Киёмат Кунида қабрларингиздан) мана шундай чиқарилурсизлар». Зухруф сураси, 11-оят.

Ердаги хаёт сувнинг мана шундай мукамал суратда айланиб туриши туфайли барпо бўлган. Сувнинг табиий айланиш миқдоридаги, киска бир муддатлик ўзгариш ҳам экологик мувозанатнинг гоятда огир тарзда бузилишига ҳамда бутун тириклик учун халокатлик оқибатларга олиб келади. Аммо бу мувозанат хеч қачон ўз-ўзидан бузилмайди, ёмгир эса Куръонда айтилганидек, хар йили бир хил миқдорда, биз учун керакли ҳажмда ёғаверади.

